

**Ўлим жазосини бекор қилиниши инсонпарварлик ва
адолатлилик принципларини таъминлаш кафолатидир**

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида изчил давом этаётган ислохотларни эркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада либераллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигидан ўлим жазосини чиқариб ташланиши ва унинг ўрнига умурбод озолдикдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масаласининг ифодаси суд- ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдаги муҳим қадам бўлди.

Тарихдан маълумки, ўлим жазосининг келиб чиқиши одамларнинг ёки оилаларнинг бир-биридан қасос олиш одати билан боғлиқ бўлган. Дастлабки даврларда одамлар ўртасида ўч олиш одати пайдо бўлган бўлса, кейинчалик оила институтининг пайдо бўлиши бу функциянинг оилага ўтишига олиб келди. Лекин ўч олиш вазифаси оилада ҳам сақланиб қолмади.

Чунки давлат пайдо бўлиб, ўлим жазоси фақат давлатнинг ваколатига айланди.

Ўлим жазосини ижро этиш қадимда ва Ўрта асрларда турли мамлакатларда ҳар хил усулларда амалга оширилган. Ҳозирги кунга келиб, дунёда ўлим жазосини ижро этишнинг энг кўп тарқалган турлари: отиб ўлдириш, осиб ўлдириш, электр стулида ва инъекция қилиб ўлдириш, шунингдек газ камерасида ўлдириш ва бошини танасидан жудо қилиш.

Ҳозирги кунда хорижий давлатларда ўлим жазосини ижро этишнинг қуйидаги ўнга яқин турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Россия Федерациясида, Хитой, Покистон, Сьерра-Леон, Сомали, АҚШнинг Айдахо ва Юта штатларида ўлим жазоси отиб ўлдириш орқали амалга оширилади.

2. АҚШ нинг 32 штатида, Филиппинда олий жазо маҳкумга инъекция қилиш орқали амалга оширилади. Бунинг учун маҳкумнинг вена қон томирига учта модданинг – барьбитурат (маҳкумни ҳушидан кетказиш учун), мускул релаксанти (маҳкумнинг диафрагмаси ва ўпкасини ишдан чиқаради ва хлорли калий (юрак фаолиятини тўхтатади) аралашмаси юборилади.

3. АҚШ нинг 7 штатида маҳкумлар газ камерасида қатл қилинадилар. Бунинг учун маҳкум ҳаво кирмайдиган камерага қамаб қўйилади, сўнгра махсус кислотали идишга калий цианиди ва натрий солинади. Бунинг натижасида ўзига хос захарли газ ҳосил бўлиб, у организмнинг гемоглабин ҳосил қилиш функциясини бузади. Оқибатда маҳкум бир неча сониядан сўнг ҳушидан кетади ва бўғилиб ўлади.

4. АҚШ нинг 11 та штатида маҳкум электр стули воситасида қатл қилинади. Дастлаб мисли электродлар билан маҳкам ёпишиб туриши учун бошдаги ва танадаги барча сочлар қириб, тозалаб олинади. Электр токининг

кучи маҳкумнинг оғирлигидан келиб чиқиб аниқланади. Маҳкум унинг танасига бир неча марта ток разряди юбориш йўли билан қатл қилинади.

Масалан, Джоржия штатида дастлабки тўрт сонияда юбориладиган ток разряди 2 минг вольтга тенг бўлади, кейинги етти сонияда 1 минг вольт ва охирида икки дақиқа давомида 208 вольтли ток разряди юборилади.

5. Японияда, Свазилендда, шунингдек АҚШ нинг Вашингтон ва Делавер штатларида , Эрон, Бангладеш ва Суданда ўлим жазоси маҳкумни осиб ўлдириш орқали амалга оширилади.

6. Ўз навбатида Эрон, Покистон, Бангладеш, Судан ва баъзи ислом давлатларида осиб ўлдириш ёки отиб ўлдиришдан ташқари бир неча жиноятлар (вафосизлик, зино) учун тошбўрон қилиб ўлдириш қўлланилади.

7. Афғонистонда бесоқолбозлик учун маҳкумнинг устидан девор бостириб ўлдирилади.

8. Саудия Арабистонида одам ўлдириш ёки номусга тегиш учун ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг боши танасидан жудо қилинади. Ҳозиргача ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган шартнома ва битимлар нинг тўрттаси мавжуд.¹

1. 1989 йи БМТ томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисиги Халқаро пактнинг Иккинчи факультатив протоколи қабул қилинган эди. Ушбу протокол 52 давлат томонидан ратификация қилинган ва 9 та давлат томонидан имзоланган

2. Америка давлатлари ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йилда инсон “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида” ва “Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида” ги Америка конвенциясига протокол қабул қилинган бўлиб, у 8 та давлат томонидан ратификация қилинган ва 1 та давлат томонидан имзоланган.

3. Европа Кенгаши томонидан 1983 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид Европа конвенциясига 6-сонли протокол 44 давлат томонидан ратификация қилинган ва 1 та давлат томонидан имзоланган. (Ушбу протокол қатнашчилари ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш мажбуриятини оладилар. Лекин ҳарбий ҳолатда ёки истисноли тарзда ушбу жазони қонунчиликда сақлаб туришлари мумкин.)

4.Европа Кенгаши томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид Европа конвенциясига 13- сонли протокол 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, у 24 давлат томонидан ратификация қилинган ва 18 та давлат томонидан имзоланган. (Ушбу протокол қатнашчилари ўлим жазосини истисносиз тарзда бутунлай бекор қилиш мажбуриятини олдилар).

Жаҳон жамоатчилигининг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирга келиб дунёнинг 80 та давлатида ҳамма жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган.

15 та давлатда истисноли (ҳарбий жиноятлар) ҳолатлардан ташқари барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. 23 та давлат жиноят қонунчилигида ўлим жазосини назарда тутилган бўлсада, лекин охириги ўн йилда бирорта ҳам ўлим жазоси ижро этилмаган. Бу рақамлар жами 118 та

¹ Международные право против смертной казни. <http://kolokol.ru/death-penalty>.

давлатда қонунчилик тартибида ёки амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган, деган хулосани беради.²

1985 йилдан ҳозирга қадар 50 та давлат ўлим жазосини бекор қилган. Бу муддат давомида фақат 4 та давлатгина ўз қонунчилигида олий жазони қайта тиклаган, холос. Қолаверса, улардан бири ҳисобланган Непал давлати ҳозирги кунда ушбу жазони яна бекор қилди.

Филиппин эса жазони тўхтатиб қўйди, қолган икки давлат Гамбия ва Гвинеяда ўлим жазоси қайд қилинмаган.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўлим жазосини бекор қилиш борасида жаҳон жамоатчилиги фаолият олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда ўлим жазосини бекор қилишга қарата олиб борилаётган назарий ва амалий ишлар халқнинг тинч-осойишта, адолатли қонун устувор бўлган демократик давлатда яшашларига хизмат қилади.

² Смертная казнь в цифрах и фактах, [http:// www.amnesty.org. ru/ pages/deathpenalty-facts-rus](http://www.amnesty.org.ru/pages/deathpenalty-facts-rus)